

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Қурбонов Дониёр Давлат ўғли
Самарқанд давлат университети
Юридик факултети 2-курс талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада коррупциявий жиноятлар ва уларга қарши кураш ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари коррупцияга қарши курашнинг долзарблиги ва ушбу ижтимоий жиҳатдан салбий ҳодисанинг вужудга келиш сабаблари, ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларини ўрганиш бу иллатга қарши кураш самарадорлигини ошириш имконини бериши тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: *Коррупция, коррупциясиз соҳа, корпоратив гуруҳ, кикбекинг.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о коррупционных преступлениях и борьбе с ними. Кроме того, было подчеркнуто, что актуальность борьбы с коррупцией и причин возникновения этого общественно негативного явления, а также изучение правовых и криминологических аспектов позволит повысить эффективность борьбы с этим явлением.

Ключевые слова: *коррупция, свободный от коррупции сектор, корпоративная группа, откаты.*

ABSTRACT

This article provides information on corruption crimes and the fight against them. In addition, it was emphasized that the relevance of the fight against corruption and the reasons for the emergence of this socially negative phenomenon, the study of legal and criminological aspects will allow to increase the effectiveness of the fight against this evil.

Key words: *Corruption, corruption-free sector, corporate group, kickbacking*

КИРИШ

Бугунги кунда халқаро иқтисодиётга коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига етказилаётган зарарнинг тобора ортиб бораётганлиги коррупцияга қарши курашиш соҳасини янада кенгроқ ўрганишни ва таҳлил қилишни талаб этмоқда. Ҳар қандай жиноят сингари коррупция ҳам жамият ривожига тўсқинлик қилади. Чунки улар фуқароларда давлатга, қонунларга ишончсизлик, уларни ҳурмат

қилмаслик руҳиятини вужудга келтиради. Коррупция ниҳоятда кенг қамровли ҳодиса бўлиб, уни энг камида тўрт хил — умумижтимоий, сиёсий-иқтисодий, криминологик ва ҳуқуқий маънода тушуниш мумкин.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз курашишни такозо этмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди, шунингдек “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси амалиётга жорий этилди ҳамда 2020 йил 29 июнда коррупцияга қарши курашувчи алоҳида махсус орган Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги тузилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январь кундаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”¹ дея бежизга таъкидлаб ўтмаганлар. Шу боисдан, коррупция қарши курашиш ва у билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикаси механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Коррупциянинг энг хавфли томони шундаки, давлат хизматчиси ҳисобланувчи мансабдор шахс маълум ҳақ — пора эвазига иккинчи томон — пора берувчининг қонунга зид бўлган талабини бажаради ёки унинг ғайриқонуний қилмишларидан кўз юмади, бу эса давлат ва жамият манфаатларига зарар етказади ва унга тўсиқ бўлади.

Айниқса давлат ҳокимияти органларидаги коррупция, хавфли ҳисобланади. Чунки ҳокимиятга нисбатан монополия вужудга келади, давлат хизмати ваколатлари қонун доирасидан четга чиқиб, қарорлар қаътий ҳисобдорлик ва мансабдор шахсларнинг назорат қилмаслигига олиб келади. Шунинг учун ҳам, коррупция муаммосини ҳал этмасдан, давлат бошқаруви билан боғлиқ вазифаларни самарали ҳал этиб бўлмайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

Дарҳақиқат, коррупция – илдишлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос руҳиятига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши аввало маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўрилиши зарурлигидан далолат беради.

Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда, давлат амалдорлари томонидан шахсий мафпатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”².

Коррупция ва мансабдорлик жиноятларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, коррупцияни мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши; давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш; ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ш.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш; мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ш.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш; тор группавий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш; айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш³ каби шакллари хам кўриш мумкин.

² Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001. – 258 б.

³ Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В.С. Овчинского и др. 2-ое изд. перераб. – СПб.: ИНФРА-М, 2003. – С. 190-191.

АҚШда коррупциянинг “кикбэкинг” деган шакли анча кенг тарқалган. Унинг схемаси жуда содда: жиноий тил бириктириш иштирокчилари муайян нархларда битим тузишга оғзаки келишадилар, расмий битимни эса баландроқ нархларда имзолайдилар. Тафовутнинг бир қисми битимга рухсат берган мансабдор шахсларга топширилади, яъни яширин пора берилади. Пора олишнинг мазкур шакли сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам қўлланилмоқда.

Коррупция жинояти нафақат хуфёна, балки коррупцияга доир муносабатларга киришган томонларнинг ўзаро келишувига биноан содир этилади. Аксарият ҳолларда у тегишли ҳокимият органларига шикоят берилишига сабаб бўлмайди, чунки ғайриқонуний келишувдан иккала томон ҳам наф кўради. Ҳатто пора сўраш ҳоллари устидан ҳам камдан-кам ҳолда шикоят қилинади, чунки одамлар коррупцияга қарши кураш жараёнига ишончсизлик билан қарайдилар. Бунинг учун миллий ва хорижий тажриба билан боғлиқ бўлган муайян объектив ва субъектив асослар мавжуд.

Коррупция жиноятчилиги порахўрликка нисбатан кенгроқ тушунчадир, яъни жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан коррупция деганда, фақат порахўрлик назарда тутилса, криминалогияда коррупция — давлат мансабида ўтирган шахсларнинг “жиноятчилик” олами билан доимий алоқаси тушунилади.

Коррупцияга қарши курашнинг долзарблиги шундаки, ушбу ижтимоий жиҳатдан салбий ҳодисанинг вужудга келиш сабаблари, ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларини ўрганиш бу иллатга қарши кураш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Коррупция ва мансабдорлик жиноятларининг ижтимоий хавфлилиги шундаки биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга тўсқинлик қилади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий тарзда бузилишига олиб келади. “Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир” деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабатнинг вужудга

келиши учун шароит яратади. Ислохотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан “қудратли марказнинг кучли қўли”ни қўмсаш ҳиссини туғдиради.

Тўртинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар.

Бешинчидан, жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилиш ҳоллари юзага килади.

Олтинчидан, Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланган жаҳон ҳўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни рўёбга чиқариш шароитида коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди.

Коррупцияни олдини олиш учун, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилди. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунни бунинг ёрқин мисолидир.

2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун билан айнан Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи субъектлар рўйхати ҳамда ушбу субъектларнинг фаолияти тизимли белгилаб берилди. Шунга кўра коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти⁴. Шу билан бирга коррупцияга қарши

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида / расмий нашр / Ўзбекистон. «Адолат», 2017. – 80 б

курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Ушбу қонунда коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, коррупция ва мансабдорлик билан боғлиқ жиноятларни профилактика қилишда субъектлар фаолиятини белгилш каби вазифалар белгиланган.

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш деб тушунилса, *коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик* — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш деб берилган.

Манфаатлар тўқнашуви эса, — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, коррупциянинг давлатга ва жамиятга етказадиган қуйидаги зарарларини санаб ўтиш мумкин:

биринчидан, инсоният ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган — демократия ва демократик институтларнинг мустаҳкамланишига салбий таъсир қилади, яъни уларга жиддий путур етказди.

иккинчидан, жамият тараққиёти учун энг муҳим омил — тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади ва кенг жамоатчиликда уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ишончни сўндиради.

учинчидан, бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, соғлом рақобатнинг бозордан сиқиб чиқарилиши, яширин иқтисоднинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади.

тўртинчидан, жамиятда носоғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг шаклланишига сабаб бўлиб, демократик давлатнинг энг муҳим ҳуқуқий принципларининг бузилишига олиб келади. Ва бундай салбий оқибатларнинг яна қанчасини санаб ўтиш мумкин.

Бешинчиди, Коррупциявий жиноятларни олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат хизматчиларининг, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ қилиш, ҳамда уларнинг “Хулқ-атвор кодекси”ни ишлаб чиқиш лозим.

олтинчидан, коррупциявий жиноятларнинг аниқ сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш имконини беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида / расмий нашр / Ўзбекистон. «Адолат», 2017. – 80 б
2. Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001. – 258 б.
3. Основы борьбы с организованной преступностью / Под ред. В.С. Овчинского и др. 2-ое изд. перераб. – СПб.: ИНФРА-М, 2003. – С. 190-191.